

Приложение №11
к приказу ООО «AUTO FORTIS»
от «9» январь 2023 г.
№ 005-А

““AUTO FORTIS” МЧЖнинг
2023 й. “9” январдаги
005-А-сонли буйруғига
11 -илова

**КОДЕКС ПОВЕДЕНИЯ
ДЕЛОВЫХ ПАРТНЕРОВ
ОБЩЕСТВА С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«AUTO FORTIS»**

**“AUTO FORTIS”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИНИНГ БИЗНЕС
ҲАМКОРЛАРИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ**

Настоящий Кодекс поведения Деловых партнёров (далее – “Кодекс”) определяет базовые требования и обязанности. ООО «AUTO FORTIS», зависимые и дочерние общества, совместные предприятия и иные организации, в которых Компания имеет более двадцати процентов их голосующих акций (долей) либо в силу преобладающего участия в их уставном фонде (далее – «UzAuto»), оставляют за собой право в разумных пределах изменять требования при внесении изменений в комплаенс-программу.

1. Наши Деловые партнеры

В связи с развитием всесторонних связей в мировой экономике UzAuto стремится внедрить лучшую систему снабжения. Мы ценим взаимоотношения с нашими поставщиками, агентами, подрядчиками, посредниками, дилерами, дистрибьюторами, сторонними провайдером услуг и другими деловыми партнёрами (совместно именуемыми «Деловые партнёры»), которые предоставляют высококачественные, инновационные продукты и услуги по конкурентным ценам, способствуют снижению рисков нашего бизнеса, соблюдают все применимые законы, придерживаются высочайших этических стандартов, создают реальную добавочную стоимость для наших клиентов (покупателей) и, как минимум, соответствуют требованиям, установленным Кодексом.

2. Сфера применения

Действие настоящего Кодекса распространяется на Деловых партнёров, а также на их дочерние и зависимые общества, субподрядчиков и агентов, действующие как лицензированные либо авторизованные дистрибьютеры или официальные дилеры и реализующих их продукцию и услуги UzAuto. Мы настаиваем, чтобы Деловые партнёры требовали от своих партнеров соответствующего уровня признания принципов настоящего Кодекса.

3. Общие принципы

Действуя как социально ответственная компания, уважая права человека и придерживаясь высочайших стандартов этики поведения и профессиональной деятельности, UzAuto

Мазкур Бизнес ҳамкорларнинг одоб-ахлоқ кодекси (кейинги ўринларда “Кодекс” деб юритилади) асосий талаблар ва мажбуриятларни белгилайди. “AUTO FORTIS” МЧЖ, Компания овоз берувчи акциялари (улушлари) нинг йигирма фоиздан ортига эга бўлган, ёки устав капиталидаги иштироки устунроқ бўлган, тобе ва шўба корхоналари, қўшма корхоналари ва бошқа ташкилотлари (кейинги ўринларда – “UzAuto”) меъёрларга риоя этиш дастурига ўзгартиришларни киритишда қўйиладиган талабларни маъкул доирада ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

1. Бизнинг Бизнес ҳамкорларимиз

Жаҳон иқтисодиётида ҳар томонлама алоқаларнинг ривожланиши муносабати билан UzAuto таъминотнинг энг мукамал тизимини жорий қилишга интиломда. Биз юқори сифатли, инновацион маҳсулотлар ва хизматларни рақобатбардош нархларда тақдим этадиган, бизнесимиз хавфини камайтиришга ёрдам берадиган, амалдаги барча қонунларга риоя этадиган, энг юқори ахлоқий меъёрларга амал қиладиган, миждозларимиз (харидорларимиз) учун ҳақиқий қўшимча қийматни яратадиган ва, камида, Кодексида белгиланган талабларга мос келадиган етказиб берувчиларимиз, агентларимиз, пудратчиларимиз, воситачиларимиз, дилерларимиз, дистрибьюторларимиз, билвосита провайдерларимиз ва бизнес ҳамкорларимиз (биргаликда “Бизнес ҳамкорлар”) билан муносабатларни кадрлаймиз.

2. Қўлланиш соҳалари

Ушбу Кодекс Бизнес ҳамкорларга, шунингдек, уларнинг шўба ва тобе корхоналарига, субпудратчиларга ва лицензияланган ёки ваколатли дистрибьюторлар ва расмий дилер вазифасини бажарувчи ҳамда UzAuto маҳсулотларини ва хизматларини сотадиган агентларга нисбатан қўлланилади. Биз Бизнес ҳамкорларимиз ўз ҳамкорларидан ушбу Кодекс тамойилларини тегишли даражада қабул қилинишини қаттиқ талаб қиламиз.

3. Умумий тамойиллар

UzAuto ижтимоий масъулиятли компания сифатида иш юритган, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳамда ахлоқ-одоб ва профессионал фаолиятнинг энг юқори меъёрларига риоя қилган

улучшает показатели бизнеса в долгосрочной перспективе. Мы в полной мере привержены этим принципам и требуем от наших Деловых партнёров, чтобы они разделяли эту приверженность и выполняли обязательства, изложенные в настоящем Кодексе. Настоящий Кодекс разработан с учетом передовой практики автомобилестроительной отрасли, иных международных, законодательных и нормативных требований.

4. Этичное поведение

UzAuto и Деловые партнёры работают на многих перспективных и динамичных рынках, богатых исключительными возможностями, но при этом связанных со значительными рисками как с этической, так и с операционной точек зрения. Самый верный способ управления такими рисками заключается в соблюдении всех применимых законов, включая законы о противодействии коррупции и взяточничеству, действующие в Республике Узбекистан, США, Великобритании и ЕС. Ни UzAuto, ни Деловые партнёры не занимаются какой-либо деятельностью и не принимают на себя какие-либо риски, которые привели бы к неэтичным последствиям или нарушению применимых законов.

5. Честность в делах

Мы признаем безусловную ценность честности в поведении и то значение, которое она имеет для нашего бизнеса как в краткосрочной, так и в долгосрочной перспективах. Это не просто слова. Это наши ценности. Честность и деловая этика имеют значение. Если вы поступаете правильно в любых обстоятельствах, это всегда ценится. Мы совместно с нашими Деловыми партнёрами непрерывно работаем над повышением эффективности как нашей коммерческой деятельности, так и соблюдения настоящего Кодекса.

Честность – краеугольный камень нашей культуры. Завоевание признания как лидера в сфере ценностей и честности – главнейшая движущая сила, формирующая репутацию UzAuto и основа нашего успеха. Поведение Деловых партнёров влияет на репутацию UzAuto. Если Деловой партнёр не соблюдает стандарты Кодекса, он не будет являться предпочтительным контрагентом для UzAuto при размещении будущих заказов, а существующие деловые

ҳолда узоқ муддатли истиқболдаги бизнес кўрсаткичларини яхшилаб бормоқда. Биз ушбу тамойилларга тўла содиқмиз ва бизнес ҳамкорларимиздан ушбу содиқликни баҳам кўришни ва мазкур Кодекса баён этилган мажбуриятларни бажаришларини талаб қиламиз. Ушбу Кодекс автомобилсозлик саноатининг илғор тажрибаси, бошқа халқаро, ҳуқуқий ва меъёрий талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар

UzAuto ва Бизнес ҳамкорлар фавқулодда имкониятларга бой кўплаб истиқболли ва жўшқин ривожланаётган, лекин шу билан бирга, ҳам ахлоқий, ҳам операцион нуқтаи назардан катта рисклар билан боғлиқ бўлган бозорларда фаолият олиб боради. Бундай рискларни бошқаришнинг энг ишончли усули - бу қўлланилаётган барча қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси, АҚШ, Буюк Британия ва ЕИдаги амалдаги коррупцияга ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишидир. UzAuto ҳам, Бизнес ҳамкорлар ҳам ахлоқсиз оқибатларга ёки амалдаги қонунларнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган бирон-бир фаолият билан шуғулланмайди ва бундай рискларни ўз зиммасига олмайди.

5. Фаолиятда ҳалоллик

Биз ҳатти-ҳаракатларда ҳалолликнинг сўзсиз қадрини ҳамда унинг қисқа ва узоқ истиқболда бизнесимиз учун тутган аҳамиятини тан оламиз. Бу шунчаки чиройли сўзлар эмас. Бу бизнинг қадриятларимиздир. Ҳалоллик ва бизнес одоб-ахлоқи муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри иш юритиш ҳамisha қадрланади. Биз ўз Бизнес ҳамкорларимиз билан биргаликда ҳам тижорий фаолиятимизнинг, ҳам ушбу Кодекс талабларига риоя этишнинг самарадорлигини ошириш устида мунтазам иш олиб бормоқдамиз.

Ҳалоллик – маданиятимизнинг асосидир. Қадриятлар ва ҳалоллик соҳасида етакчи сифатида эътироф этилиш – бу UzAuto обрўсининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва муваффақиятимизнинг асоси ҳисобланади. Бизнес ҳамкорларнинг ҳатти-ҳаракатлари UzAuto нуфузига таъсир кўрсатади. Агар Бизнес ҳамкор Кодекс меъёрларига риоя қилмаса, у келажакдаги буюртмаларни қабул қилишда UzAuto учун маъқул контрагент бўлмайди, у билан мавжуд

отношения с ним могут быть прекращены частично или полностью.

6. Не останавливаться на достигнутом

Конкретные требования, изложенные в Кодексе, представляют собой минимальные стандарты для Деловых партнёров. Мы рекомендуем Деловым партнёрам следовать еще более высоким стандартам, даже если они не предусмотрены действующим законодательством Республики Узбекистан.

7. Надлежащая проверка (due diligence)

При выборе Деловых партнёров UzAuto проводит проверку в необходимом объёме с учётом имеющихся рисков. Все Деловые партнёры проходят антикоррупционную проверку до заключения договора. От Деловых партнёров требуется содействие при проведении проверки со стороны UzAuto полное заполнение всех анкет и форм, своевременное предоставление запрашиваемой документации и прозрачной информации о собственниках и аффилированных лицах.

8. Соблюдение применимого законодательства

Деловые партнёры обязаны соблюдать все применимые законы, подзаконные нормативные акты и стандарты тех стран, в которых они работают. Если применимое законодательство и Кодекс регулируют один и тот же вопрос и не противоречат друг другу, применяется более строгий стандарт. Если какое-либо требование Кодекса противоречит нормам применимых законов, применяются наиболее строгие стандарты, не противоречащие применимым законам.

9. Взятничество и коррупция

Мы прямо заявляем: UzAuto не приемлет коррупцию и взяточничество в любых формах.

UzAuto категорически запрещает коррупцию, взяточничество, коммерческий подкуп, мошенничество, хищения, кражи и растраты. Деловые партнёры обязаны соблюдать все применимые законы в сфере противодействия коррупции и вести надлежащий учет, отражающий совершаемые ими сделки и не содержащий ложной или вводящей в заблуждение информации. Деловые партнёры обязуются не давать, не предлагать, не требовать и не

бизнес алоқалар эса қисман ёки тўлиқ бекор қилиниши мумкин.

6. Эришилган натижада тўхтаб қолмаслик

Кодекса белгиланган аниқ талаблар Бизнес ҳамкорлар учун минимал меъёрларни ифодалайди. Биз Бизнес ҳамкорларга янада юқори меъёрларга риоя қилишни тавсия этамиз, ҳатто агар улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилмаган бўлса ҳам.

7. Тегишли текширув (Due diligence)

Бизнес ҳамкорларни танлашда UzAuto мавжуд рискларни ҳисобга олган ҳолда зарур ҳажмда текширувни ўтказди. Барча Бизнес ҳамкорлар шартнома тузилишидан олдин коррупцияга қарши текширувдан ўтадилар. UzAuto томонидан ўтказиладиган текширувда Бизнес ҳамкорлардан ёрдам кўрсатиш, барча маълумотлар ва шаклларни тўлиқ тўлдириш, сўралган ҳужжатларни ҳамда мулкдорлар ва аффилиланган шахслар тўғрисида шаффоф маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш талаб қилинади.

8. Амалдаги қонунчиликка риоя қилиш

Бизнес ҳамкорлар ўзлари фаолият олиб бораётган мамлакатларнинг амалдаги барча қонунлари, қонуности ҳужжатлари ва меъёрларига риоя қилишлари шарт. Агар амалдаги қонунчилик ва Кодекс бир хил масалани тартибга солса ва бир-бирига зид бўлмаса, қатъийроқ меъёр қўлланилади. Агар Кодекснинг бирон-бир талаби амалдаги қонунлар меъёрларига зид келса, унда амалдаги қонунларга зид бўлмаган қатъийроқ меъёрлар қўлланилади.

9. Порахўрлик ва коррупция

Биз: UzAuto коррупция ва порахўрликнинг ҳар қандай шакларини маъқулламайди, деб очиқ-ойдин эътироф эта оламиз.

UzAuto коррупция, порахўрлик, тижорат мақсадида пора эвазига оғдириш, фирибгарлик, ўғрилик ва мол-мулкни ўзлаштиришни қатъиян тақиқлайди. Бизнес ҳамкорлар коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги барча қонунларга риоя қилиши ҳамда уларнинг бажарадиган операцияларини акс эттирадиган ва ёлғон ёки чалғитувчи маълумотларга эга бўлмаган тегишли ҳисоботни юритиши шарт. Бизнес ҳамкорлар UzAuto учун ноқонуний

соглашаться принимать денежные средства или иные ценности от кого-либо прямо, или косвенно через иное лицо в целях получения незаконных преимуществ для UzAuto.

От Деловых партнёров ожидается, что они внедряют и поддерживают собственные комплаенс-программы в сфере противодействия коррупции в целях предотвращения и сдерживания неправомερных действий и возможных нарушений закона.

10. Подарки и представительские расходы

Деловые партнёры также обязуются не предлагать подарки, не организовывать представительские мероприятия и не предоставлять иные выгоды, прямо или косвенно, работникам или представителям UzAuto с целью оказания на них влияния, равно как не предлагать работникам UzAuto какие-либо подарки и не организовывать представительские мероприятия, независимо от стоимости, в процессе проведения переговоров, конкурсной процедуры или заключения договора с победителем конкурса.

11. Конфиденциальность и защита персональных данных

Деловые партнёры обязаны соблюдать конфиденциальность в отношении всей информации, касающейся хозяйственной деятельности UzAuto, его контрактов, проектов, финансового состояния или показателей, если только иной порядок прямо не согласован с UzAuto. Деловые партнёры обязаны соответствовать разумным ожиданиям лиц, с которыми они ведут дела, в отношении защиты персональных данных. Деловые партнёры обязаны соблюдать законы и подзаконные нормативные акты в отношении неприкосновенности и безопасности информации в связи со сбором, обработкой и передачей персональных данных. Деловые партнёры обязаны обеспечивать безопасное хранение персональных данных клиентов и исключать возможность их разглашения. Деловые партнёры обязаны обеспечивать надлежащую защиту данных, надёжность систем обеспечения безопасности данных и надлежащий надзор за действиями своих работников, работающих с персональными данными UzAuto.

имтиёзларни олиш мақсадида кимдандир тўғридан-тўғри ёки бошқа шахс орқали билвосита пул маблағлари ёки бошқа қимматликларни бермаслик, таклиф қилмаслик, талаб қилмаслик ёки олишга розилик бўлмаслик мажбуриятини оладилар.

Бизнес ҳамкорлардан ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари ва содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарликларнинг олдини олиш ва тўхтатиш мақсадида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзининг қонунга риоя этиш дастурларини жорий этишлари ва амалга оширишлари кутилади.

10. Совғалар ва меҳмондўстлик ҳаражатлари

Бизнес ҳамкорлар шунингдек, UzAuto ишчилари ёки вакилларига таъсир ўтказиш мақсадида уларга бевосита ёки билвосита совғалар тақдим этмаслик, меҳмондўстлик тадбирларини уюштирамаслик ва бошқа имтиёзларни бермаслик, худди шунинг баробарида музокаралар, танлов процедуралари ёки танлов ғолиби билан шартномани тузиш жараёнида, қийматидан қатъи назар, UzAuto ишчиларига бирон-бир совғаларни таклиф этмаслик ва меҳмондўстлик тадбирларини ташкил этмаслик мажбуриятини оладилар.

11. Шахсий маълумотларнинг махфийлиги ва муҳофазаси

Бизнес ҳамкорлар, агар бошқа тартиб UzAuto билан тўғридан-тўғри келишилмаган бўлса, UzAutонинг хўжалик фаолияти, шартномалари, лойиҳалари, молиявий ҳолати ёки кўрсаткичларига оид барча маълумотларга нисбатан махфийликни сақлашга мажбурдир. Бизнес ҳамкорлар шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш борасида ўзлари билан биргаликда иш олиб борадиган шахсларнинг оқилона ишончларини қондиришлари шарт. Бизнес ҳамкорлар шахсий маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш билан боғлиқ ахборотнинг дахлсизлиги ва хавфсизлигига оид қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатларига риоя этишга мажбур. Бизнес ҳамкорлар миждларнинг шахсий маълумотлари хавфсиз сақланишини таъминлаши ва уларни ошкор қилиш имкониятига йўл қўймаслиги шарт. Бизнес ҳамкорлар маълумотларнинг етарли даражадаги ҳимоясини, маълумотлар хавфсизлигини таъминловчи тизимларнинг ишончилигини ва UzAuto шахсий маълумотлари билан ишлайдиган ишчиларининг хатти-ҳаракатлари устидан тегишли назоратни таъминлаши шарт.

12. Действия, ограничивающие конкуренцию

Деловые партнёры обязуются не нарушать законодательство о конкуренции и антимонопольные требования, а также не вступать в сговор с целью их нарушения. Деловые партнёры обязаны соответствовать стандартам добросовестного ведения бизнеса, рекламы и конкуренции.

13. Конфликт интересов

Деловые партнёры обязаны доводить до сведения UzAuto фактические, потенциальные или презюмируемые конфликты интересов, которые могут иметь отношение к UzAuto. «Конфликт интересов» означает любое обстоятельство, фактическое, потенциальное или презюмируемое, в силу которого сторона может поставить свои финансовые или личные интересы выше своих обязательств, или в силу которых суждения, решения или действия такой стороны могут быть необъективными. Деловым партнёрам следует избегать любых конфликтов интересов, которые могут неблагоприятным образом отражаться на деловых отношениях.

14. Интеллектуальная собственность

Деловые партнёры обязаны уважать права интеллектуальной собственности. Порядок передачи технических решений Деловыми партнёрами должен обеспечивать защиту прав интеллектуальной собственности.

15. Отмывание денежных средств

Деловые партнёры обязаны решительно противодействовать любым формам отмывания денежных средств и принимать меры к тому, чтобы не допускать использования, проводимых Деловыми партнёрами финансовых транзакций третьими лицами в целях отмывания денежных средств.

16. Запрет договоров в устной форме

UzAuto запрещает заключение сделок с Деловыми партнёрами в устной форме. Все условия предложения услуг и поставки товаров в адрес UzAuto подлежат согласованию до начала исполнения договорных обязательств и фиксируются в письменной форме.

17. Международные торговые и экономические санкции

12. Рақобатни чекловчи ҳаракатлар

Бизнес ҳамкорлар рақобат тўғрисидаги қонунларни ва монополияга қарши талабларни бузмаслик, шунингдек уларни бузиш учун ўзаро тил бириктирмаслик мажбуриятини олади. Бизнес ҳамкорлар бизнес, реклама ва рақобатни юритишнинг адолатли меъёрларига риоя қилишлари шарт.

13. Манфаатлар тўқнашуви

Бизнес ҳамкорлар UzAuto эътиборига у билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳақиқий, потенциал ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашувини етказиши шарт. “Манфаатлар тўқнашуви” томон молиявий ёки шахсий манфаатларини ўз мажбуриятларидан устун қўйиши мумкин бўлган ёки бундай томоннинг ҳукмлари, қарорлари ёки хатти-ҳаракатлари ноҳолис бўлиши мумкин бўлган ҳақиқий, потенциал ёки тахмин қилинган ҳар қандай ҳолатни англатади. Бизнес ҳамкорлар бизнес муносабатларига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай тўқнашувдан ўзини четга олиши керак.

14. Интеллектуал мулк

Бизнес ҳамкорлар интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳурмат қилиши шарт. Бизнес ҳамкорлар томонидан техник ечимларни бериш тартиби интеллектуал мулк ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаши керак.

15. Пул маблағларини ювиш

Бизнес ҳамкорлар пулларни ювишнинг ҳар қандай шаклларига қатъиян қарши туриши ва Бизнес ҳамкорлар амалга оширадиган молиявий транзакциялардан учинчи томон пулларни ювиш мақсадида фойдаланишига йўқ қўймаслиги чораларини кўриши шарт.

16. Оғзаки шартномаларни тақиқлаш

UzAuto Бизнес ҳамкорлар билан оғзаки равишда битимлар тузишни тақиқлайди. UzAutoга хизматларни таклиф қилиш ва товарларни етказиб бериш бўйича барча шарт-шароитлар шартнома мажбуриятлари бажарилишидан олдин келишиб олинади ва ёзма равишда қайд этилади.

17. Халқаро савдо ва иктисодий санкциялар

Деловые партнёры обязаны соблюдать применимые законы и нормативные акты в сфере международной торговли (включая меры импортного/реимпортного и экспортного/реэкспортного контроля) и экономических санкций. Деловые партнёры обязуются не вести дела с такими сторонами или в таких юрисдикциях, в отношении которых применимые законы или нормативные акты запрещают проведение сделок.

18. Права человека

Деловые партнёры обязаны уважать и соблюдать права человека, установленные Всеобщей декларацией прав человека, принятой ООН. Деловые партнёры обязаны воздерживаться от содействия в любых нарушениях прав человека и обязаны всегда уважать личное достоинство, неприкосновенность личных данных и прав каждого человека. Деловые партнёры обязаны с нетерпимостью относиться к любым формам неприемлемого обращения с работниками, включая, помимо прочего, моральное давление, рукоприкладство, нарушение прав лиц с ограниченными возможностями, рабство и сексуальные домогательства.

19. Принудительный труд

Деловые партнёры не должны использовать какие-либо формы принудительного труда, долговой кабалы, невольного или обязательного труда. Деловые партнёры не могут требовать от работников сдать выданные государством средства идентификации, паспорта или разрешения на работу в качестве условия трудоустройства. Трудовые отношения между Деловыми партнёрами и их работниками должны быть добровольными и не должны основываться на угрозах, запугивании или принуждении.

20. Детский труд

Деловые партнёры не должны использовать детский труд. Если применимым законодательством не установлен минимально допустимый возраст трудоустройства, «ребенок» означает любое лицо, не достигшее 15-летнего возраста. Минимальный возраст трудоустройства указан в конвенциях Международной организации труда (МОТ).

21. Открытость и честность отношений

Бизнес хамкорлар халқаро савдо соҳасидаги амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга (жумладан, импорт/ реимпорт ва экспорт/ реэкспорт назорати чораларига) ва иқтисодий санкцияларга риоя қилишлари шарт. Бизнес хамкорлар амалдаги қонунлар ёки норматив ҳужжатлар билан битимларни амалга ошириши тақиқлаган томонлар билан ёки бундай юрисдикцияларда иш олиб бормаслик мажбуриятини олади.

18. Инсон ҳуқуқлари

Бизнес хамкорлар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларга амал қилишга мажбур. Бизнес хамкорлар ҳар қандай инсон ҳуқуқлари бузилишига ҳисса қўшишдан тийилиши ва ҳар доим ҳар бир инсоннинг шахсий кадр-қиммати, шахсий маълумотлари дахлсизлиги ва ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари шарт. Бизнес хамкорлар ишчиларни нисбатан номақбул муносабатнинг ҳар қандай шаклига, шу жумладан руҳий босим, қалтаклаш, имкониятлари чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш, қуллик ва жинсий зўравонликка мурасизлик билан қараши шарт.

19. Мажбурий меҳнат

Бизнес хамкорлар мажбурий меҳнат, қарз тутқунлиги, беихтиёрий ёки мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шаклидан фойдаланмасликлари керак. Бизнес хамкорлар ишчилардан ишга жойлашиш шартини сифатида давлат томонидан берилган идентификация воситалари, паспортлар ёки ишлаш учун рухсатномаларни топширишни талаб қила олмайди. Бизнес хамкорлар ва уларнинг ишчилари ўртасидаги меҳнат муносабатлари ихтиёрий бўлиши ва таҳдид, қўрқитиш ёки мажбурлашга асосланмаслиги керак.

20. Болалар меҳнати

Бизнес хамкорлар болалар меҳнатидан фойдаланмасликлари керак. Амалдаги қонунчиликда ишга қабул қилиш учун минимал ёш белгиланмаган бўлса, “бола” деганда 15 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс тушунилади. Ишга қабул қилишнинг минимал ёши Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) конвенцияларида кўрсатилган.

21. Муносабатларнинг очиқлиги ва ҳалоллиги

Деловые партнёры обязаны поддерживать открытые и честные отношения между работниками и руководством, в которых отсутствовала бы боязнь мести, реванша, запугивания или домогательств, а также обязаны, насколько это возможно в рамках закона, признавать за работниками право на свободу объединений.

22. Недопущение дискриминации

Деловые партнёры обязуются не допускать домогательств к работникам и их незаконной дискриминации. Деловые партнёры обязаны не допускать дискриминации по принадлежности к какой-либо защищаемой законом категории либо по возрасту, расе, цвету кожи, этнической принадлежности, статусу представителя коренной народности, полу, гендерной идентичности или гендерному самовыражению, сексуальной ориентации, инвалидности, беременности, состоянию здоровья, вероисповеданию, социальному происхождению или статусу, политическим пристрастиям, участию в отраслевых ассоциациях или профсоюзах, семейному положению или статусу ветерана при найме или в процессе трудовых отношений, например, в связи с продвижением по службе, награждением и доступом к обучению.

23. Охрана здоровья и труда

В соответствии с международными стандартами, национальными законами и нормативными актами Деловые партнёры обязаны создавать здоровые и безопасные условия труда. Обязательства в отношении охраны труда и производственной безопасности распространяются на всех лиц под контролем Делового партнёра, включая работников и подрядчиков, работающих в помещениях Делового партнёра. Все происшествя со смертельным исходом и происшествя с тяжёлыми травмами, имеющие место в помещениях UzAuto или в отношении работ, выполняемых в интересах UzAuto должны отражаться в отчётности.

24. Охрана окружающей среды и предотвращение загрязнений

Деловые партнёры обязаны действовать в соответствии с применимыми стандартами охраны окружающей среды и соблюдать применимые законы в природоохранной сфере,

Бизнес ҳамкорлар ишчилар ва раҳбарият ўртасидаги қасос олиш, реванш, қўрқитиш ёки шилқимлик қилиш қўрқувидан холи бўлган очик ва ҳалол муносабатларни сақлаши, шунингдек, қонун доирасида имкон борида ишчилар учун бирлашмалар эркинлиги ҳуқуқини тан олишлари шарт

22. Камситишга йўл қўймаслик

Бизнес ҳамкорлар ишчиларга шилқимлик қилиш ва уларни ноқонуний камситишга йўл қўймаслик мажбуриятини олади. Бизнес ҳамкорлар ишга ёллашда ёки меҳнат муносабатлари жараёнида, масалан, лавозимини кўтариш, мукофотлаш ва ўқишга кириш муносабати билан қонун билан муҳофаза қилинадиган бирон-бир тоифага мансублик ёки ёши, ирқи, танасининг ранги, этник мансублиги, туб миллат вакили мақоми, жинси, гендер айнанлиги ёки гендер ўзини ифода этиши, жинсий ориентацияси, ногиронлиги, ҳомиладорлиги, соғлиғи ҳолати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ёки мақоми, сиёсий қарашлари, соҳавий уюшмалар ёки касаба уюшмаларига аъзолиги, оилавий ҳолати ёки фахрийлик мақоми бўйича камситилишига йўл қўймаслиги шарт.

23. Соғлиқ ва меҳнат муҳофазаси

Халқаро стандартлар, миллий қонунлар ва қоидаларга мувофиқ, Бизнес ҳамкорлар соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратишга мажбурдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги бўйича мажбуриятлар Бизнес ҳамкор назорати остидаги барча шахсларга, шу жумладан, Бизнес ҳамкорнинг биноларида меҳнат қиладиган ишчилар ва пудратчиларга нисбатан татбиқ этилади. UzAuto биноларида содир бўлган барча ҳалокатли ва оғир жароҳатли ҳодисалар ёки UzAuto манфаатлари учун бажарилган ишлар ҳисоботда акс этирилиши керак.

24. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ифлосланишнинг олдини олиш

Бизнес ҳамкорлар ишда муносиб масъулиятни намоиш қилган ҳолда атроф-муҳит стандартларига мувофиқ фаолият олиб боришлари ва амалдаги қонунларга риоя қилишлари шарт.

проявляя должную ответственность в работе. В странах с менее развитым или не применяемым должным образом законодательством, Деловые партнёры обязаны стремиться к минимизации загрязнения окружающей среды. Инновационные изменения в продукции и услугах, улучшающие экологическую или социальную ситуацию, равно как и использование экологически чистых технологий следует всемерно поддерживать. Деловые партнёры обязаны принимать меры к исправлению ситуации на тех направлениях работы, которые влекут неблагоприятные последствия для жизни и здоровья людей, природы и окружающей среды.

25. Ответственный подход к выбору источников минерального сырья

Деловые партнёры обязаны принимать разумные меры к исключению использования в своей продукции видов сырья, добыча которых непосредственно или опосредованно финансируется вооружёнными группировками, причастными к нарушениям прав человека.

26. Точность и полнота учёта

Деловые партнёры обязаны не допускать фальсификации учётных данных, равно как и искажать сведения об условиях и методах работы.

27. Комплаенс-программа по соблюдению настоящего Кодекса

Деловые партнёры обязаны стремиться к созданию программы или системы, касающейся проблематики настоящего Кодекса, если такая система еще не создана в существующей структуре Делового партнёра. Такая программа или система должна быть рассчитана на обеспечение соблюдения настоящего Кодекса. Ее целью должно быть снижение операционных рисков, связанных с настоящим Кодексом. В основе такой программы или системы должен лежать принцип непрерывного совершенствования.

28. Сообщения о нарушениях

От Деловых партнёров требуется незамедлительно сообщать о возможных или известных нарушениях настоящего Кодекса. Если у вас есть какие-либо вопросы в отношении настоящего Кодекса, или вы считаете, что кто-то, возможно, нарушил его, просьба обратиться в

Қонун ҳужжатлари кам ривожланган ёки тўғри қўлланилмаган мамлакатларда Бизнес ҳамкорлар атроф-муҳитнинг ифлосланишини минималлаштиришга интилишлари лозим. Экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилайдиган маҳсулотлар ҳамда хизматлардаги ўзгаришларни экологик тоза технологиялардан фойдаланиш баробарида барча чораларни ишга солган ҳолда рағбатлантириш керак. Бизнес ҳамкорлар одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи, табиат ва атроф-муҳит учун салбий оқибатларга олиб келадиган фаолият йўналишларида вазиятни яхшилаш бўйича чоралар кўришлари шарт.

25. Минерал хом ашё манбаларини танлашга масъулият билан ёндашиш

Бизнес ҳамкорлар ўз маҳсулотларида инсон ҳуқуқларини бузишга алоқадор қуролли гуруҳлар томонидан тўғридан-тўғри ёки билвосита молиялаштириладиган хом ашёлардан фойдаланмасликлари учун оқилона чораларни кўришлари шарт.

26. Ҳисобга олишнинг аниқлиги ва тўлиқлиги

Бизнес ҳамкорлар ҳисоб маълумотларини сохталаштиришга, шу билан бирга, иш шароитлари ва усуллари тўғрисида маълумотни бузиб кўрсатишга йўл қўймасликлари шарт.

27. Ушбу Кодексга риоя қилиш бўйича комплаенс дастури

Бизнес ҳамкорлар ушбу Кодекснинг муаммоларини ҳал қиладиган дастур ёки тизимни яратишга ҳаракат қилишлари шарт. Агар ушбу тизим Бизнес ҳамкорнинг мавжуд таркибида ҳали яратилмаган бўлса, бундай дастур ёки тизим мазкур Кодексга риоя қилинишини таъминлаш учун ишлаб чиқилиши керак. Унинг мақсади ушбу Кодекс билан боғлиқ бўлган операцион рискларни камайтиришдан иборат бўлиши лозим. Бундай дастур ёки тизим доимий такомиллаштириш тамойилига асосланиши керак.

28. Қоидабузарликлар тўғрисида хабар бериш

Бизнес ҳамкорлар ушбу Кодекснинг мумкин бўлган ёки маълум бўлган бузилишлари тўғрисида дарҳол хабар беришлари шарт. Агар сизда мазкур Кодекс юзасидан саволлари бўлса ёки уни кимдир бузган деб ўйласангиз, марҳамат қилиб, compliance@usf.uz электрон манзили

Департамент по комплаенсу по электронному адресу: compliance@usf.uz или на горячую линию по следующему номеру: +998-78-140-76-70. Все сообщения надлежащим образом рассматриваются, при необходимости проводится расследование. UzAuto считает неприемлемой месть в адрес любого лица, которое пытается поступить правильно, сообщая о проблеме. Лицу, добросовестно сообщившему о возможном неправомерном поведении и впоследствии столкнувшемуся с мстостью или иными направленными против него действиями в связи с сообщением о проблеме, следует незамедлительно сообщить об этом по указанным выше каналам.

бўйича Комплаенс хизматига ёки +998-78-140-76-70 рақамли “ишонч телефони”га мурожаат этишингиз мумкин. Барча хабарлар тегишли равишда кўриб чиқилади, лозим бўлса, текширилади. UzAuto муаммо ҳақида хабар бериш орқали тўғри иш тутишга ҳаракат қилган ҳар қандай шахсдан қасос олишни маъқулламайди. Мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида виждонан хабар берган ва кейинчалик муаммо тўғрисида хабар бергани учун қасос олиш ёки унга қарши қаратилган бошқа ҳаракатларга учраган шахс юқорида кўрсатилган каналлар орқали зудлик билан маълум қилиши лозим.